

**РЕСПУБЛИКА ШОШИЛИНЧ ТИББИЙ ЁРДАМ ИЛМИЙ МАРКАЗИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.28.02.2018.Tib.63.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**РЕСПУБЛИКА ШОШИЛИНЧ ТИББИЙ ЁРДАМ ИЛМИЙ МАРКАЗИ**

**АНВАРОВ ҲИКМАТ ЭРКИНОВИЧ**

**ЖИГАР ЭХИНОКОККОЗИ УРГЕНТ АСОРАТЛАРИНИНГ  
ТАШХИСИ ВА ДАВОЛАШИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**14.00.40 – Шошилинч тиббиёт**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2019**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Анваров Ҳикмат Эркинович**

Жигар эхинококкози ургент асоратларининг

ташхисива даволашини такомиллаштириш ..... 3

**Анваров Ҳикмат Эркинович**

Совершенствование диагностики и лечения

ургентных осложнений эхинококкоза печени..... 25

**Anvarov Khikmat Erkinovich**

Improving of diagnostics and treatment of the

urgent complications of liver echinococcosis ..... 45

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 49

**РЕСПУБЛИКА ШОШИЛИНЧ ТИББИЙ ЁРДАМ ИЛМИЙ МАРКА-  
ЗИҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.28.02.2018.Tib.63.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**РЕСПУБЛИКА ШОШИЛИНЧ ТИББИЙ ЁРДАМ ИЛМИЙ МАРКАЗИ**

**АНВАРОВ ҲИКМАТ ЭРКИНОВИЧ**

**ЖИГАР ЭХИНОКОККОЗИ УРГЕНТ АСОРАТЛАРИНИНГ  
ТАШХИСИ ВА ДАВОЛАШИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**14.00.40 – Шошилинч тиббиёт**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2019**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.PhD/Tib533рақами билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Республика шошилич тиббий ёрдам илмий марказида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси ([www.emerg-centre.uz](http://www.emerg-centre.uz)) ҳамда «Ziyonet» ахборот-таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Хаджибаев Фарход Абдухакимович**  
тиббиёт фанлари доктори

**Расмий оппонентлар:**

**Арипова Назира Ўктамовна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Хакимов Мурод Шавкатович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Академик И.П.Павлов номидаги Биринчи Санкт-Петербург давлат тиббиёт университети (Россия Федерацияси)**

Диссертация ҳимояси Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази ҳузуридаги DSc.28.02.2018.Tib.63.01 рақамли илмий кенгашнинг 2019 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100115 Тошкент, Кичик халқа йўли кўчаси 2-уй. Тел.: (+99878) 150-46-00; факс: (+99878) 150-46-05, e-mail: [uzmedicine@mail.ru](mailto:uzmedicine@mail.ru))

Диссертация билан Республика шошилич тиббий ёрдам илмий марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100115, Тошкент ш., Кичик халқа йўли кўчаси, 2. Тел.: (+99878) 150-46-00; факс: (+99878) 150-46-05.

Диссертация автореферати 2019 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ кунни тарқатилди.  
(2019 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**А.М.Хаджибаев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Д.А.Алимов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори

**Б.К.Алтыев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори

## КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Эхинококкоз хавфли паразитар касаллик бўлиб, дунёда энг тарқалган антропозоонозлардан биридир. Бугунги кунда бир қатор муаллифлар берган маълумотларга кўра, «...Ўзбекистон ҳудуди дунёда мавжуд бўлган бешта эхинококкоз ўчоқларидан биридир. Мазкур патология бўйича бажариладиган жарроҳлик амалиётларининг йиллик кўрсаткичи 4,5 минг, улардан 25,5% эхинококкоз асоратлари туфайли, 9,3%-рецидив ёки резидуал эхинококкоз сабабли бажарилади. Жарроҳлик амалиётидан кейинги асоратлар даражаси ўртача 8,6% га, ўлим кўрсаткичи эса 0,5-8,2%гача етади....»<sup>1</sup> Инсон организмидаги барча эхинококкозлар орасида энг кўп (80%гача) жигарнинг эхинококкли шикастланиши кузатилади. 26-63% беморларда кузатиладиган асоратлар орасида энг кўп, оғир ва хавфли бўлиб, 17-26% ҳолатда учровчи жигарнинг эхинококкли кистасининг йиринглаши ҳисобланади. Кистани қорин бўшлиғига ёрилиши ва кенг тарқалган перитонитнинг клиникаси ривожланиши вазиятни янада чуқурлаштириди. Жигар эхинококкозининг ўт йўлларига ёрилиши ва уларни обтурацияси туфайли механик сарикликни ва йирингли холангит ривожланиши бошқа хавфли, шошилиш жарроҳлик аралашувини талаб этувчи асорати деб ҳисобланади.

Нурли ва эндовизуал технологияларнинг замонавий усулларини кенг жорий этиш йўли билан жигар эхинококкозининг (ЖЭ) турли асоратларини ташхислаш жараёнини такомиллаштириш талаб этилади. Шубҳасиз, булар асоратларни янада эрта аниқлашга ва уларни ўз вақтида даволаш соҳа олимлари олдида турган хал қилиниши зарур долзарб муаммолардан биридир.

Жаҳонда ЖЭнингургент асоратларни ташхис ва даволашни такомиллаштиришга қаратилган илмий-тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада ЖЭ асоратли шакллари билан оғирган беморларда цитокинлар спектрни (ИЛ-1β, ФНО-α, ИЛ-6) аниқлаш билан беморларнинг иммун статусини, турли асоратли шакллари кечиш оғирлиги тоифаларини башоратлашнинг интеграл шкаласини яратиш, жигар эхинококкозини турли асоратли шаклларида қолдиқ бўшлиқни дренажлашни янги усулини ишлаб чиқишдан иборат. ЖЭ ретроспектив таҳлили асосида турли асоратли шакллари ташхислашнинг анъанавий ва замонавий усулларини самарадорлигини баҳолаш, хасталиқни турли асоратли шаклларида қолдиқ бўшлиқни дренажлашни янги усулини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш ҳамда ЖЭ олдини олишга қаратилган соғломлаштирувчи чора-тадбирлар даволаш тизимини яратиш алоҳида касб этади.

«Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида<sup>2</sup> мамлакатимиз тиббий тизимини жаҳон андоза-

<sup>1</sup>Шевченко Ю.Л., Назыров Ф.Г. Хирургия эхинококкоза (монография). Москва, «Династия», 2016 й, 288 бет.

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сон «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони

лари талабларига мослаштириш ва даволаш самардорлигини ошириш мақсадида «...мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий қилиш, патронаж хизмати ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қуваатлаш ва касалликларни профилактика қилиш...» каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифаларда аҳоли орасида асоратланган жигар эхинококкозини ташхислаш ва даволашда замонавий тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтариш ва сифатли тиббий хизмат кўрсатишда замонавий технологияларни қўллашни такомиллаштириш орқали асоратларни камайтириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 16 мартдаги ПФ-4985 «Шошилиш тиббий ёрдамни келгусида такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари, 2018 йил 7 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5590-сон Фармонлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Адабиёт маълумотларининг ўтказилган таҳлили исботладики, ўтказилган кўп сонли илмий тадқиқотларга қарамадан, абдоминал жарроҳликда ЖЭнинг асоратланган шакллари ташхислаш ва даволаш муаммолари ҳозирги вақтгача ўз долзарблигини сақлаб қолган. Унда шу ҳолат ўзига диққатни жалб этадики, кўплаб олиб борилган ишлар (Каримов Ш.И., 2017; Simsek Н., 2013) ЖЭнинг асоратланган шакллари ташхислаш ва даволашнинг анъанавий клиник-лаборатор ва инструментал усулларига оид масалаларни ўрганишга бағишланган бўлиб, улар жарроҳлик амалиётидан кейинги асоратларни ривожланиш эҳтимоллиги ва патологик жараённинг оғирлигини доим ҳам аниқ акс эттирмайди. Сўнги йиллар адабиётларида ЖЭнинг асоратланган шакллари ажратиб олишда замонавий нурли ва эндовизуал усулларни қўллашга бағишланган илмий ишлар мавжуд. Бироқ, турли тадқиқотларда ушбу усулларнинг самарадорлиги ва ташхисий қиймати турли илмий изланишларда бир биридан фарқ қилади (Назирова Ф.Г., Шевченко Ю.Л., 2016). Афсуслар бўлсинки, ҳозирги кунгача олиб борилган кўп сонли тадқиқотларга

қарамасдан ЖЭнинг асоратланган шакллари даволаш тактикасига оид масалаларда кўплаб муаммолар мавжуд (Мовчун А.А., 2004; Sinner W.N., 2011). Жумладан, даволаш дастурида ЖЭнинг турли асоратларини аҳамияти ва ўрни, кичик инвазив эндоскопик ва лапроскопик аралашувларнинг ўрни ва аҳамияти ўрнатилмаган. ЖЭнинг асоратланган шакллари билан оғриган беморларда кам инвазив ва анъанавий жарроҳлик аралашувларини қўллаш навбати белгиланмаган.

Ўзбекистонда жигар эхинококкози ва унинг асоратлари билан оғриган беморларни ташхислаш ва даволашни яхшилаш бўйича илмий ишлар олиб борилган (Икрамов А.И., 2003; Илхамов Ф.А., 2005; Сирожиiddинов К.К., 2018). Шунингдек, шошилич стационар шароитида ҳаракатларнинг аниқ стандартларини кўрсатилиши билан ЖЭнинг асоратланган шакллари даволаш-ташхислаш алгоритми ишлаб чиқилмаган (Хаджибаев А.М., 2018).

Олиб борилган тадқиқотларга қарамасдан ЖЭнинг асоратланган шакллари ташхислаш ва даволашга ягона ёндошув мавжуд эмас, бу эса даволаш-ташхислаш тактикасини келгусида такомиллаштиришни талаб этади ҳамда мазкур илмий ишни олиб бориш учун сабаб бўлди.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Республика шошилич тиббий ёрдам илмий марказининг илмий ишлари режасига мувофиқ ССВ-АД-023 «Кам инвазив технологияларни қўллаган холда ҳавфсиз ва ҳавфли генезли механик сариқликни ташхислаш ва даволашни такомиллаштириш» (2017-2018 йиллар) грант лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** жигар эхинококкозининг турли асоратли шакллари ташхислашнинг анъанавий ва замонавий усулларини такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

ретроспектив таҳлили асосида ЖЭнинг турли асоратли шакллари ташхислашнинг анъанавий ва замонавий усулларини самарадорлигини баҳолаш;

жигар эхинококкозининг асоратли шакллари билан оғриган беморларда цитокин спектрини (ИЛ-1β, ФНО-α, ИЛ-6) аниқлаш билан беморларнинг иммун статусини баҳолаш;

ишончли мезонларни ишлаб чиқиш асосида ЖЭ турли асоратли шакллари кечиш оғирлиги тоифаларини башоратлашнинг интеграл шкаласини яратиш;

жигар эхинококкозининг асоратланган шаклларида қолдиқ бўшлиқни дренажлашни янги усулни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш;

жигар эхинококкозининг асоратланган шакллари даволашнинг асосланган дифференциялашган тактикасини танлови компьютер дастурини яратиш ва уни амалиётга жорий этиш;

**Тадқиқотнинг объекти** бўлиб 2005-2017 йиллар давомида Республика шошилич тиббий ёрдам илмий марказида (РШТЎИМ) стационар

даволанишда бўлган жигар эхинококкозининг турли асоратли шакллари билан оғриган 412 нафар бемор олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** турли ташхислаш усуллариининг натижалари, шунингдек жигар эхинококкозининг асоратли шакллари билан оғриган беморлардаги жарроҳлик аралашуви натижалари, ЖЭнинг турли асоратли шакллари бўйича жарроҳлик амалиёти ўтказилган беморларнинг иммун статусининг материаллари олинган.

**Тадқиқот усуллари.** Тадқиқотда клиник, иммунологик, инструментал УТТ, ЭРПХГ, контраст МСКТ, МРПХГ, ВЛС, тиббий-биологик ва статистик усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

ургент асоратланган жигар эхинококкозининг комплекс ташхислашга цитокин спектрини аниқлаш йўли билан иммунофермент таҳлилни киритиш асосланган;

асоратланган жигар эхинококкозини даволашга дифференциал ёндашув ва касаллик оғирлигини башоратлашда бемор ёшининг ўзига хослиги, гемодинамик кўрсаткичлари, қон интоксикацияси ва қорин бўшлиғига перитонитнинг тарқалиши белгилари исботланган;

асоратланган жигар эхинококкоз билан беморларда жарроҳлик амалиётидан олдин ва босқичли интенсив консерватив даволашнинг ўтказилиши, ҳажми асосида жарроҳлик аралашувининг тури ва муддатлари белгиланган;

гемо- ва ўтстази ўтказишда аргон-плазмали коагуляциянинг самарадорлиги, шунингдек жигарда эхинококкэктомия ўтказилганда қолган бўшлиқни қайта ишлашда унинг юқори антипаразитарлик ва антибактериал хусусиятлари исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

РШТЁИМ маълумотларининг таҳлили асосида ЖЭнинг асоратланган шакллари ташхислаш ва даволашнинг анъанавий ва замонавий усуллари самарадорлик чегаралари баҳоланган;

ЖЭнинг турли асоратли шакллари кечиши оғирлик тоифаларини башорат қилишнинг интеграл шкаласи яратилди ва клиник амалиётга жорий этилган;

ЖЭнинг турли асоратли шаклларида қолдиқ бўшлиқни қайта ишлаш ва дренажлашнинг янги усуллари ишлаб чиқилган;

ЖЭнинг асоратланган шакллари даволаш дифференцияланган тактикасини танлаб олишга асосланган компьютер дастури ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқотда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, текширилган беморлар сонининг етарлилиги, тадқиқотда қўлланилган замонавий ўзаро бир-бирини тўлдирувчи клиник, лаборатор, инструментал, микробиологик, биокимёвий ва статистикусуллар ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, ўткир ичак тутилишида ичак етишмовчилиги синдроми ва уни коррекциялашда халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса, олинган



натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларини илмий ва амалий аҳамияти.**Тадқиқот натижаларнинг илмий аҳамияти олинган ҳолатлар, ҳулоса ва таклифлар, ногиронлик ва узоқ вақт давом этувчи реабилитацияли жарроҳлик аралашувини талаб этувчи ЖЭнинг турли асоратли шакллари клиник-функционал ўзига хосликларини ўрганишга муносиб ҳиссасини қўшади.

Тадқиқот натижаларнинг амалий аҳамияти ташхислаш ва даволашнинг янги аниқ усуллари шакллантириш мақсадида ЖЭ даҳшатли асоратлари кечишини ўзига хосликларини келгусида ўрганиш учун база бўлиб ҳисобланади. ЖЭнинг турли асоратли шакллари ташхислаш ва даволаш бўйича олиб борилган ишнинг алоҳида натижалари талабалар, шунингдек клиник ординаторлар ва курсантларни ўқитиш дастурининг таркиби ва тузилмасини такомиллаштириш мақсадида қўлаш иш таркибидаги асосий ҳулосалар ва тавсиялар жарроҳлик аралашуви бажарилишини талаб этувчи ЖЭнинг турли асоратли шакллари ташхислаш ва даволашда қўлланилиши, ЖЭнинг турли асоратли шакллари ташхислаш ва даволаш жараёни уларнинг кечиши оғирлик тоифаларини башорат қилишнинг модификация қилинган интеграл шкаласини ва ЖЭнинг турли асоратли шакллари даволаш тактикаси асосланган танловнинг янги компьютер дастурини ишлаб чиқиш йўли билан сезиларли оптималлаштириш билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши.** Жигар эхинококкозининг ургент асоратларни ташхис ва даволашни такомиллаштириш бўйича олинган натижалар асосида:

«Жигар эхинококкозининг ургент асоратларни ташхис ва даволашни такомиллаштиришга замонавий ёндошув» услубий қўлланмаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 3 майдаги 8н-р/174 сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма жигар эхинококкозини асоратланган шаклларни ташхислаш ва самарали даволаш тактикасини баҳолаш имконини берган;

«Жигарнинг асоратланган эхинококкозининг даволашнинг оптимал тактикасини ташлаш компьютер дастури» бўйича Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти олинган (№DGU302525.06.2019 й). Ушбу дастур жигарнинг асоратланган эхинококкозларни бир қатор клиник, лаборатор параметрларни тўлдиришда автоматик равишда касалликни башорат қилишни, ташхислаш ва даволашнинг бирламчи режасини таклиф қилишга, шунингдек мазкур тоифа беморлари учун маълумотлар банкини яратиш имконини берган;

Жигар эхинококкозининг ургент асоратларни ташхис ва даволашни такомиллаштиришга қаратилган тадқиқот натижалари соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази Самарқанд ва Бухоро филиаллари шошилич хирургия бўлимлари амалий фаолиятига тадбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 25 июндаги 8н-д/158 сон маълумотномаси). Олинган натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши жигар эхинококкозининг асоратланган

шакллари билан хасталанган беморларни жарроҳлик усули билан даволашнинг танлаб олинган тактикасини оптималлаштириш ҳамда даволаш давомийлигини қисқартириш ва асоратлар сонини камайтириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 8та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 3 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 21 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фан доктори диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 5 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда 20та расм ва 35та жадвалдан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 118 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва аҳамияти, ушбу ишга талаб асослаб берилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, мазкур тадқиқотларнинг республика фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мос келиши кўрсатиб берилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва унинг амалий натижалари ўз ифодасини топган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Жигар эхинококкозининг асоратланган шакллари ташхислаш ва даволашнинг замонавий аспекти»** деб номланган биринчи бобида жигар эхинококкозининг асоратли шакллари тарқалганлиги ва ташхислаш, жарроҳлик тактикаси ва антипротозой кимётерапия тўғрисидаги адабиёт манбаларининг таҳлили, келгусида тадқиқ қилиш талаб этиладиган бахс унозарали масалалар келтирилган

Диссертациянинг **«Жигар эхинококкозининг асоратланган шакллари ташхислаш ва даволаш материал ва усуллари»** деб номланган иккинчи бобида текширилган беморларнинг умумий тавсифи, шунингдек қўлланилган тадқиқот усуллари тўғрисидаги маълумотлар келтирилган. Тадқиқот иши 2006 йилдан 2017 йиллар даврида РШТЎИМнинг жарроҳлик бўлимида бизлар томонимиздан кузатилган жигар эхинококкозининг асоратли шакллари билан оғриган 412 нафар беморни ташхислаш ва даволаш натижаларини таҳлилига асосланган.

Бунда бизлар томонимиздан ЖЭнинг асоратланган шаклларига қуйидагилар киритилди: жигарнинг эхинококкли кистасини йиринглаб кетиши, перитонитни ривожланиши билан эркин қорин бўшлиғига

йиринглаган ЖЭнинг ёрилиши, шунингдек эхинококк кистасини ўт йўлига ўсиб кириши ва кейинчалик механик сариклик ва холангит клиникасини шаклланиши. Барча санаб ўтилган асоратлар асосий касаллик билан этиопатогенетик боғлиқдир, ўзининг хусусий қонунлари бўйича ривожланиш хусусиятига эга ва хусусан алохида даволаш дастурини талаб этади.

### 1-жадвал

#### Жигарни ва бошқа органларни эхинококкжойлашган ўрни бўйича текширилган беморларнинг тақсимланиши, n=412.

Эхинококкли зараланиш ўчоғининг локализацияси	Назорат гуруҳи, n=176		Асосийгуруҳ, n=236		Жами, n=412	
	Абс.	%	Абс.	%	Абс.	%
Жигар	156	88,6	209	88,6	365	88,6
ўнг бўлаги	93	52,8	119	50,4	212	51,5
Чап бўлаги	56	31,8	78	33,1	134	32,5
Иккала бўлаги	7	4,0	12	5,1	19	4,6
Жигар ва қорин бўшлиғининг бошқа органлари	9	5,1	13	5,5	22	5,3
Жигар ва ўпка	9	5,1	11	4,7	20	4,9
Кўп тармоқли зараланиш	2	1,1	3	1,3	5	1,2

Даволаш-ташхислаш амалиёти тактикаси ва усулига боғлиқ ҳолда ЖЭнинг асоратли шакллари билан оғриган беморлар 2 гуруҳга бўлинди: улар асосий ва назорат гуруҳларидар. Назорат гуруҳига 176 (46,7%) нафар бемор киритилган бўлиб, уларда анъанавий даволаш-ташхислаш тактикаси қўлланилди. Асосий гуруҳнинг 236 (57,3%) нафар беморларида даволаш-ташхислаш жараёни замонавий нурли ва эндовизуал ташхислаш жараёнлари, беморларнинг иммун статусини текшириш усуллари (жумладан эхинококкозга нисбатан антителоларга иммуноферментатив таҳлил ўтказилди), шунингдек асоратларни клиник кечиши оғирлигини башоратлаш билан тўлдирилди. Тадқиқ қилинган гуруҳлар ёши, жинси, асосий патология ва унинг асоратлари, йўлдош касалликлар бўйича репрезентатив бўлди. Улар бир биридан ЖЭ асоратларини коррекция қилиш учун қўлланилган даволаш-ташхислаш тактикаси бўйича фарқ қилди. Эркалар 176 (42,7%), аёллар 236 (57,2%) ни ташкил этди, яъни аёл жинсидаги беморлар кўпчилиқни ташкил этди. Беморларнинг ўртача ёши  $34,4 \pm 12,3$  йилни, беморларнинг 82,1% юқори меҳнатга яроқлилик ёшида (19 дан 60 ёшгача) бўлди.

Текширилган беморларнинг асосий қисми -392 (95,1%) клиникага ўзлари, кам ҳолатларда –бошқа тиббий муассасалардан йўлланма бўйича 11 (2,7%) ва тез тиббий ёрдам тизими бўйича 7(1,6%) келиб тушганлар. Беморлар клиникага ЖЭ асоратларининг бошланиш вақтидан бир неча соатдан то бир неча суткагача бўлган муддатда мурожат қилганлар. Демак, 11,6% беморлар ЖЭ асоратлари хуружи бошланган вақтидан 24 соатгача,

14,2%-48 соатгача, 22,8%-72 соатгача бўлган муддатда клиникага келиб тушганларни ташкил қилган.

Жигарнинг кўпроқ ўнг қисмида юзага келадиган алоҳидалашган шикастланишлари 365 (88,6%) нафар беморда, кўп сонли органлар билан ва биргаликдаги шикастланишлари эса -47 (11,4%) нафар беморда ташхисланди.

ЖЭнинг ургент асоратлари тузилмасида йиринглаш (81,5%) ва перитонит ривожланиши билан қорин бўшлиғида ёрилиши (8,2%) устунликка эга бўлди (2- жадвал).

## 2-жадвал

### Жигар эхинококкозининг асоратли шакллари турига боғлиқ ҳолда текширилган беморларнинг тақсимланиши, n=412

ЖЭ асоратларнинг турлари	Назорат гуруҳи, n=176		асосий, n=236		жами, n=412	
	Абс.	%	Абс.	%	Абс.	%
Жигарнинг эхинококкоки кисталарининг йиринглаши	143	81,3	193	81,8	336	81,6
Йиринглаган кисталарнинг қорин бўшлиғида ёрилиши асосида:	15	8,5	19	8,1	34	8,3
–чегараланган перитонит	3	1,7	5	2,1	8	1,9
–кенг тарқалган перитонит	12	6,8	14	5,9	26	6,3
ЖЭ ўт пуфагига ўтиши оқибатида:	18	10,2	24	10,2	42	10,2
–механик сариқлик	13	7,4	17	7,2	30	7,3
–механик сариқлик ва йирингли холангит	5	2,8	7	3,0	12	2,9

ЖЭнинг асоратли шакллари билан оғриган беморларда даволаш-тактикасини танлаб олиш учун мавжуд бўлган асоратларни кечиш оғирлигини башоратлаш имконияти ва бемор ҳолатининг оғирлигини холис аниқлаш муҳимдир. Бундай вазиятларда баъзи барчага маълум кўрсаткичлардан (SAPS, APACHE) тез тиббий ёрдам хизмати шифокори учун мўлжал олиш бирмунча қийиндир.

Шу мақсадда бизлар томонимиздан текширилган беморларда улар касалхонага келиб тушган вақтида, шунингдек жарроҳлик ёки жарроҳлик жонлантириш бўлимда бўлган вақтида аниқланадиган 18 дан ортиқ энг кўп қўлланувчи клиник-лаборатор ва инструментал текшириш усуллари ўз ичига олган ҳамда асоратларга мослаштирилган SAPS II модификация қилинган шкаласи қўлланилди.

Шкалага эхинококкли кистадаги яллиғланиш жараёнларини, эхинококк кистасидаги иммунологик параметрларни, умумий билирубин кўрсаткичлари ва унинг фракцияларини тавсифловчи ўзгартиришлар киритилди, бизнинг фикримизча улар ЖЭнинг асоратланган шакллари кечиш оғирлик тоифаларини башоратлаш ва беморлар ҳолатини оғирлигини объектив баҳолашда муҳим ўрин тутди. SAPS модификацияланган шкаласи томонидан тақдим этилган балларнинг умумий йиғиндиси ЖЭасорати билан

оғриган беморларда клиник холатни етарли даражада аниқ акс эттиради ва клиник кузатувларнинг турли танловларида ўзаро қиёсийдир (3- жадвал).

**3-жадвал**

**Модификацияланган шкала бўйича оғирлик тоифалари ва оғирлик холати бўйича беморлар тақсимооти (SAPS-РШТЎИМ), n=412**

Баллар йиғиндиси	Оғирлик даражаси	Беморлар сони (%)			
		Назорат гуруҳ, n=176		Асосийгуруҳ, n=236	
		Абс.	%	Абс.	%
11 баллгача	I	56	31,8	75	31,8
12-19 баллгача	II	72	40,9	98	41,5
20-32 баллгача	III	48	27,3	63	26,7

Ҳар икки гуруҳдаги беморларни текшириш умумклиик, лаборатор текширишлардан, беморларнинг умумий холатини баҳолашдан бошланди. Ушбу текширишларни ўтказишдан мақсад ЖЭ нинг асоратланган шакллари асосий клиник кўринишларини, беморларнинг умумий холат оғирлигини, заҳарланиш ва эндотоксемия даражаси, марказий гемодинамика ва микроциркуляция холатларини аниқлаш ҳисобланади. Қон ва пешобнинг лаборатор таҳлили барча беморларда ўтказилди ва ўз таркибига: қоннинг клиник ва биокимёвий кўрсаткичлари, кислота-ишқор холат тавсифи, гемоглобин, эритроцитлар, гематокрит ва лейкоцитар формула билан лейкоцитлар, СОЭ, билирубин ва унинг фракциялари кўрсаткичларини аниқлаш, АЛТ в АСТ, умумий оксил, мочевина, креатинин, кислороднинг парциал босими ва қоннинг рНи,  $K^+$  ва  $Na^+$  ионлари миқдорларини аниқлашни ўз ичига олди.Бизлар томонимиздан асосий гуруҳнинг 36 нафар беморида иммун статусни тадқиқ қилиш ўтказилди.

Тадқиқот натижасида олинган маълумотларни статистик қайта ишлашда “Statistica for Windows 7,0” персонал компьютерининг амалий дастур пакетидан фойдаланилган холда амалга оширилди.

Тадқиқот маълумотларини статистик қайта ишлашда ўртача арифметик катталики ( $M$ ) ҳисоблаш билан вариацион статистика усули, ўртача квадрат силжиш ( $\pm\sigma$ )ўртача арифметик катталик хатоликлари ( $\pm m$ ) ва нисбий катталик (частота%) ларда қўлланилди. Олинган ўзгаришларнинг статистик аҳамияти ўртача катталиклар билан таққосланиб Стьюдент мезони бўйича аниқланди ( $t$ ) ва бунда хатоликлар эҳтимоли ҳисобланади( $p$ ). Статистик белгилар ўзгариши учун ишонччилик даражаси қабул қилинди  $p < 0,05$ .

Диссертациянинг «**Жигар эхинококкозининг асоратли шакллари ташхислаш жараёнларини оптималлаштириш**» деб номланган учинчи бобида асоратлар турига боғлиқ холда ЖЭни ташхислашни баҳолаш ўтказилди. Демак асосий гуруҳ беморларида ташхислаш жараёни ўз ичига анъанавий текшириш усулларини, МСКТ, МРТ ва ВЛС кўринишидаги визуализациянинг замонавий усулларини, шунингдек жигарнинг эхинококкли шикастланиш асоратларини ташхислашнинг бизлар томонимиздан ишлаб чиқилган янги усулларини олди.

Олинган маълумотлар таҳлили кўрсатдики, беморларда энг кўп клиник синдромларни бирга келиши кузатилди. Масалан, жигар эхинококк кистасини йиринглашини унинг қорин бўшлиғига ёрилиши заҳарланиш 194 (47,2%) ва “ўткир қорин” 44 (10,7%) нафар кўп сонли беморларда кузатилди. Шу билан бир қаторда механик сариқлик синдроми 40 (9,8%), жигар етишмовчилиги 98 (23,6%) ва гемодинамик бузилишлар 36 (8,7%) жигар эхинококк кистасини ўт йўллариغا ёриб кириши кузатилган беморларда кўп сонда учради. ЖЭнинг асоратланган шакллари билан оғриган 56 нафар беморда кейинчалик ташхислаш жараёнида ярим позицион рентгеноскопия ва қорин бўшлиғининг рентгенографияси қўлланилди. Бундан ташқари барча беморларга қорин бўшлиғини УТТ текшириши ўтказилди. Асосий ва назорат гуруҳ беморларида кўп сонда 312 (75,7%) жигар эхинококк кистасини эхоскопик яллиғланиш белгиларининг мавжудлиги, унинг таркибини гетерогенлиги, ногомоген кўриниши қайд этилди. Бунда 34 нафар беморда дастлаб ЖЭнинг йиринглашини мавжудлигига шубҳа бўлди, бироқ бу кейинчалик тасдиқланмади.

Бундан ташқари, йиринглаган эхинококк кистасини қорин бўшлиғига ёрилишида бизлар томонимиздан 34 (8,2%) нафар беморда эхоскопик эркин суюқликнинг мавжудлиги қайд этилган бўлса, 28 (6,8%) нафар беморда ичаклар аперистальтикаси ва илмоқларининг кенгайиши аниқланди.

Таъкидлаш жоизки, биз, 12 нафар беморда қорин бўшлиғи УТТ текшириши ўтказилганда, қорин бўшлиғи соҳасида унча катта бўлмаган миқдорда эркин суюқлик, шунингдек ингичка ичак илмоқларининг ўртача кенгайиши аниқланди. Бу нохуш клиник-лаборатор маълумотлар билан бир қаторда шошилиш лапароскопия учун кўрсатма бўлиб хизмат қилди, уни ўтказиш жараёнида 8 нафар беморда киста ёрилишининг мавжудлиги ва перитонит ташхисланди. 4 нафар бемордаги қорин бўшлиғидаги эркин суюқликнинг мавжудлиги тўғрисидаги дастлабки тахминлар кейинчалик рад этилди. Бизлар томонимиздан 8 нафар беморда сонографик усул билан жигар остида (5) ва қорин бўшлиғининг бошқа соҳаларида (3) абсцесслар мавжудлиги аниқланди. Механик сариқлик ва йирингли холангит ривожланиши билан жигар йўллариغا эхинококк кистасини ўсиб кириши каби ЖЭнинг ҳавфли асоратларини ташхислашда УТТ энг информатив усул бўлиб ҳисобланди. Бизлар олиб борган тадқиқотларимизда асосий ва назорат гуруҳидаги 34 нафар беморларда умумий ўт йўллари кенгайишининг мавжудлиги, 22 нафар беморда эса жигар ичи йўллари кенгайиши аниқланди. Холедох кенгайишининг мавжудлиги бирламчи тахмин қилинган 5 нафар беморда бу ҳолат келгусида рад этилди.

Беморлар учун ўз кучи бўйича ноинвазивлиги, ҳаммабоплиги ва қийинчилик туғдирмаганлиги сабабли динамикада ультрасонографияни қўллаш мумкин бўлиб ҳисобланади. 52 нафар беморда динамик УТТ бажарилди, бунда 43,2% ҳолатда биринчи бор ўтказилган шу каби тадқиқотларда аниқланмаган. ЖЭнинг қорин ичи асорати белгилари эхографик аниқланди. ЖЭнинг асоратланган шакллари ташхислашда УТТ имкониятларини чегараламасдан шуни таъкидлаш зарурки, маълум

шароитларда унинг информативлиги пасаяди. Бу беморлар қорин бўшлиғида мавжуд бўлган газнинг салбий таъсири, жигар церрози ва асцит, қон айланишидаги етишмовчиликлар билан боғлиқ бўлиб, булар УТТ натижаларида ёлгон манфий натижаларнинг сонини ортишига олиб келди. Бу 36 нафар беморда шошилишч тиббий аралашувни кечиктирилишини оқланмаслигига олиб келди. Текширилган беморларда ЖЭнинг асоратланган шакллари аънавий ташхислашни яхшилаш мақсадида нурли визуализациянинг замонавий усуллари қўлланилди: 34 нафар текширилган беморларда кейинчалик 3D қайта тузилиши билан МСКТ қўлланилди, бунда 2 (5,88%) нафар беморда дастлаб тақдим этилган МСКТ маълумотлари кейинчалик тасдиқланмади.

Клиник перитонит белгилари бўлган асосий гуруҳнинг 36 (15,3%) нафар беморида ЖЭнинг қорин ичи асоратларини ташхислашни оптималлаштириш мақсадида ВЛС кўринишидаги эндовизуал ташхислашнинг замонавий усули қўлланилди, у қорин бўшлиғи тузилмаси ва ички органларни визуал баҳолаш, қорин бўшлиғи томонидан патологияларнинг мавжудлигини аниқлаш, уларни намоеън бўлиш даражасини белгилаш имкониятини яратади. Бунда ушбу аралашувни ўтказиш учун асосий шарт бўлиб марказий гемодинамиканинг стабил ҳолати ёки интенсив шокка қарши даволаш ўтказиш йўли билан уни турғун ҳолга келтириш ҳисобланди. Асоратланган кистанинг маргинал жойлашуви кузатилган 29 (80,6%) нафар беморда ВЛС алоҳидалашган ҳолда қўлланилди, яъни у бу беморларда охириги аралашув бўлди. 36 ҳолатдан 7 (19,4%) тасида “мураккаб” жойлашган ўрни (1), шикастланишларнинг кўп сонлилиги (4) ва қорин бўшлиғини чуқур санация қилиш зарурияти (2) билан боғлиқ ҳолда жарроҳ аънавий лапаротомия конверсиясини қўллашига тўғри келди (4- жадвал).

#### 4-жадвал

##### ВЛСнинг ташхислаш имконияти, n=36.

Патология турлари	Жами	
	Абс.	%
Жигарда эхинококкли кистани ёрилишининг мавжудлиги	11	30,6
Перитонитни тавсифи ва тарқалишини баҳолаш	11	30,6
хитин қобикли заррачалар билан серозли йиринг	3	8,3
ўтли перитонит	7	19,4
йирингли перитонит	1	2,8
Жигарда йирингли эхинококкли кистанинг мавжудлиги	25	69,4
Йиринглаган ЖЭни шикастланиш билан бирга келиши:	3	8,3
Талоқ	2	5,6
Ингичка ичак қат қорин қатлами	1	2,8
Қорин бўшлиғида абцессларнинг мавжудлиги	2	5,6
Гепатомегалия, жигарнинг қорамтирлиги	2	5,6
Асцитнинг мавжудлиги	2	5,6
Эрта чандикли тутилишнинг мавжудлиги	2	5,6

Асосий гуруҳнинг эхинококкли кистани жигар йўлига ўсиб кириши ва механик сарикликнинг (МС) клиник кўриниши, шунингдек йирингли холангитни (ЙХ) ривожланиши кузатилган 40 (22,7%) беморлари учун бизлар томонимиздан эндоскопик ретроград панкреатохолангиография (ЭРПХГ) усули қўлланилди.

Бунда мазкур усулни қўллаш бизларга ўт йўллари томонидан мавжуд бўлган патологияларни майда деталларгача баҳолаш имконини берди.

Биринчи навбатда келтирилган маълумотлар таҳлили шундан гувоҳлик берадики, барча текширилган 40 нафар беморларда умумий ўт йўлни обтурацияланиши натижасида юзага келадиган эхинококкли сколекслар ва хитин қобик заррачалари билан блоканишининг мавжудлиги аниқланди.

#### 5-жадвал

#### ЭРПХГ-паразитар этиологияли МСда семиотика


Белгилар	Жами беморлар	
	Абс.	%
Холедохнинг турли даражадаги блоклариди	40	100
Учдан бир қисми	11	27,5
Дистал қисми	29	72,5
Холедохоэктазия:	40	100
Паст 1,0 смгача	19	47,5
Ўртача 1,5 смгача	14	35
Ривожланган 1,5 см ортиқ	7	17,5
Жўё кенгайиши	36	90
Паст	31	77,5
Аниқ	5	12,5
Йирингли холангитлар сони	11	27,5
Папилляр соҳанинг дивертикуллари	3	7,5

ЭРПХГнинг инвазивлик кучи, ижобий томонлари билан бир қаторда ўткир панкреатит, қон кетиши, ўн икки бармоқ ичагининг перфорацияси кўринишидаги турли асоратларни ривожланиши хас бўлиб, шу сабабли бизлар томонимиздан асосий гуруҳнинг 24 ҳолатида магнит-резонанс панкреатохолангиография бажарилди. Бунда кўрсатма бўлиб, касаллик анамнезида меъда резекциясини ўтказган ёки билиодигестив анастомоз қўйилган беморлардан олинган маълумотларга кўра ЭП ва МСнинг мавжудлиги ҳисобланади.

Асосий гуруҳ беморларида эхинококк этиологияли мавжуд асоратларни ташхислашни яхшилаш мақсадида ташхислашнинг иммунологик усуллари қўлланилди. Жумладан Сеул Миллий Университетидаги ҳамкасабалар билан ҳамкорликда эхинококкоз учун иммуноферментатив таҳлилнинг (ИФТ) юқори махсуслиги исботланди (Jin Y., Anvarov Kh., Khajibaev A. et al., 2013), шунингдек Ўзбекистонлик беморларнинг текширилувчи намуналари учун бўсаға белгиси ҳисобланди (ютиш қобиляти 0,27 нм дан кам бўлган



намуналар салбий деб белгиланди, 0.27 нм дан катта бўлган намуналар эса ижобий деб олинди (1-расм).



**1-расм. Эхинококкли антигенни бошқа паразитар касалликлар билан қиёслаганда ИФТнинг оптик зичлигини тақсимланиши**

Асосий гуруҳнинг 99 (41,9%) нафар беморларида IgG- махсус зардоб антителоларининг ЕсАg (эхинококкоз антигенларига) га таъсирини қўллаш билан ўтказилган ИФТ юқори сезувчанликни (91,5%) ва махсусликни (96%) кўрсатди. Мазкур халқаро ҳамкорликдаги тадқиқотлар Ўзбекистонда истиқомат қилувчи жигарнинг асоратланган кистасини ва беморлардаги бошқа орган касалликлари этиологик сабабларини аниқ ташхислашни сезиларли оширишга имкон берди.

Сўнгги кўрсаткич беморлар периферик қон таркибидаги энг кўп учровчи асосий иммун тизимнинг яллиғланишга қарши цитокинлари бўлган хавфли ўсма некроз омили TNF- $\alpha$ , шунингдек IL-1 $\beta$ , IL-6 интерлейкинларининг миқдорини лабораторияда аниқлашдан иборат бўлади. Ушбу тадқиқотлар 36 нафар асосий гуруҳ беморларида, шунингдек 16 нафар жигар эхинококкози ва гепатитлар билан оғримаган, амалий соғлом кишиларда ўтказилди (6-жадвал).

**6-жадвал**

**Асосий гуруҳ беморлари периферик қонидаги цитокинли спектр, n=52**

Кўрсаткичлар	ЖЭ бўлмаган беморлар (n=16)	ЖЭ беморлар (n=36)	P
TNF- $\alpha$ , пг/мл	4,58 $\pm$ 0,81	8,22 $\pm$ 1,01	0,05
IL-1 $\beta$ , пг/мл	9,94 $\pm$ 1,78	14,72 $\pm$ 1,88	0,05
IL-6, пг/мл	3,42 $\pm$ 0,28	9,06 $\pm$ 0,98	0,05

ЖЭнинг асоратланган шакллари билан оғриган беморларда IL-1 $\beta$ нинг даражаси, келиб тушган вақтда ўртача 14,72 $\pm$ 1,88 пг/млни ташкил этди, бу назорат белгиларидан сезиларли фарқ қилиб, сўнгги кўрсаткичлардан 1,48

марта ортиқ бўлди. Бу билан паралел равишда ЖЭнинг асоратланган шакллари билан оғриган беморларнинг периферик қонида TNF- $\alpha$  миқдорини (8,22 $\pm$ 1,01пг/мл) ва IL-6 (9,06 $\pm$ 0,98 пг/мл) га сақланиш даражасини ортиқ бўлиши маълум бўлди, бу эса назорат белгиларидан мос холда 1,79 ва 2,65 марта ошди.

## 7-жадвал

### ЖЭ асоратларини кечиш оғирлиги тоифаларини башоратлашнинг модификацияланган шкаласи

#	Таҳлил қилинувчи белгилар	Баллар ва уларга мос бўлган рақамли кўрсаткич белгилари						
		3	2	1	0	1	2	3
X1	Ёши, йиллар				<45	46-55	56-65	66-75
X2	Ps, 1 дақиқада	<40	40-54	55-69	70-109	110-139	140-179	>179
X3	АД <sub>сис</sub> , мм симоб устуни	<40	40-54	55-79	80-149	150-179	180-189	>189
X4	Тана харорати, °С	30-31,9	32,0-33,9	34,0-35,9	36,0-37,4	37,5-38,4	38,5-38,9	39,0-40,9
X5	1 дақиқадаги ДБС сони	<6	6-9	10-11	12-24	25-34	35-49	>49
X6	Диурез, 24 л/соат	<0,2	0,20-0,49	0,50-0,69	0,70-3,49	3,50-4,99-	>5,0	
X7	Қондаги мочевина, ммоль/л			<3,49	3,50-7,4	7,50-28,9	29-35,9	36-54,9
X8	Қондаги калий, мэкв/л	<2,5	2,5-2,9	3-3,4	3,5-5,4	5,5-5,9	6,0-6,9	>6,9
X9	Қон лейкоцитози, 10 <sup>3</sup>				6,5-8,0	10,0 гача	15,0 гача	>15,0
X10	Хушда бўлиш				аниқ	пасайиш	Сопор	Кома
